5 3 ИЮЛ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 111 (5402)
18 МАЙ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида халқ хўжалигини ривожлантириш ва халқаро аҳвол билан боғлиқ бир қанча масалаларни муҳокама қилди.

Сиёсий бюро Россия Федерациясида, Украина ва Қозоғистонда шу йил ҳосилни йиғиштириб олиш даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотини автомобилларда ташишни таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирларни белгилади. Республика ва маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларига барча мавжуд транспортни ўз вақтида зарур техник ҳолатга келтириб қўйиш, ҳосилни ташишда ундан самарали фойдаланишга эришиш, қишлоқ хўжалик юкларини ташиш билан банд бўлган кишилар тўғрисида, уларнинг юксак унум билан меҳнат қилиши ва нормал дам олиши учун зарур шарт-шароит яратиш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш учун ҳар бир меҳнат коллективида конкрет ишларни ташкил этиш топширилди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топшириғига биноан Кавказ довон темир йўлини қуриш юзасидан СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан топшириқлар маъқулланди. Мазкур темир йўлнинг бунёд этилиши пассажир ва юк ташишни анча жадаллаштириш, Закавказье совет республикалари ишлаб чиқарувчи кучларининг янада жадал ривожланишини таъминлаш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси К. У. Черненко ва Б. Н. Пономарев ўртоқларнинг Португалия Коммунистик партияси Бош секретари Алваро Куньял билан бўлиб ўтган учрашуви якунларини маъқуллади. Мана шу учрашув чоғида ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари соҳасида КПСС билан Португалия Компартиясининг қарашлари бирлиги яна бир бор тасдиқланди, КПССнинг Португалия коммунистлари фидокорона кураши билан ҳамиша бирдам эканлиги изҳор этилди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси совет раҳбарларининг Испания қироли Хуан Карлос I билан олиб борган музокаралари якунларини муҳокама қилди. Испания давлати бошлиғининг Совет Иттифоқига визити тинчлик, қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатиш манфаатлари йўлида иккала мамлакат ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга ва муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашажаги айтиб ўтилди.

Мажлисда ҳозирги АҚШ маъмуриятининг Претория ирқчилари хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаётганлиги натижасида Африка жанубида вужудга келган аҳвол кўриб чиқилди. Совет Иттифоқи Ангола, Мозамбик ва бошқа фронт бўйи давлатлари, шунингдек Африка жанубини мустамлакачилик ва ирқчиликдан озод қилиш учун курашаётган кишилар томонида ҳамон қатъий турганлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатга доир бошқа баъзи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА



Юксак мажбурият асосида

6-автотранспорт корхонаси биринчи квартал якунларига кўра мусобақадош коллективлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Мазкур корхона «Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг энг илғор коллективларидан бири ҳисобланади. Корхонада 500 дан зиёд юк машиналари ва бошқа махсус машиналар бўлиб, улар шаҳримиздаги деярли барча қурилиш майдонларига турли қурилиш материалларини етказиб бериш билан шуғулланади. Корхона «Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи 51,5 тонна бензин, 31,5 тонна дизель ёқилғиси, 22 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш мажбуриятини олган. Мажбурият муваффақиятли бажарилмоқда.

* * *

СУРАТДА: колонна бошлиғи Э. Мўминов (чапдан тўртинчи) энг яхши бригадир-ҳайдовчилар Ҳ. Саитов, П. Прохоров, А. Саномяец, К. Мажидов билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

туриш яхши йўлга қўйилган.

Коллективнинг асосини 21 шоферлар бригадаси ташкил этади. Шулардан 18 нафари бригада пудрати усули бўйича меҳнат қилмоқда. Натижалар ҳам қувончли.

КПСС аъзолари Ҳикмат Саитов, Василий Корнеев, Рафик Григорян ва бошқалар корхонанинг энг яхши бригадирлари ҳисобланади.

Республикамиз юбилейи йилида 6-автотранспорт корхонасининг коллективи 51,5 тонна бензин, 31,5 тонна дизель ёқилғиси, 22 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш мажбуриятини олган. Мажбурият муваффақиятли бажарилмоқда.

* * *

СУРАТДА: колонна бошлиғи Э. Мўминов (чапдан тўртинчи) энг яхши бригадир-ҳайдовчилар Ҳ. Саитов, П. Прохоров, А. Саномяец, К. Мажидов билан суҳбатлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1984 йил I квартида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР министрликлари, идоралари, областлар, Тошкент шаҳри, бирлашмалар ва корхоналар ўртасидаги республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

Ўзбекистон ССР Министрликлари ва идоралари социалистик мусобақа шартларида кўзда тутилган айрим кўрсаткичларни бажармаганликлари муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи 1984 йил I квартали иш якунларига кўра топширилмасин.

Қуйидагилар социалистик мусобақа ғолиблари деб топилсин ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотлансин:

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси. Бирлашма халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планини 102,3 процент ва савдо ташкилотларига маҳсулот етказиб бериш планини 104,8 процент бажарган, давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг ялпи салмоғини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 46 процентига етказган, маҳсулот ўсишининг 91 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришган.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Маҳаллий саноат, Тайёрлаш, Бинокорлик материаллари саноати министрликлари, Наманган ва Тошкент областлари, Ўзбекистон металлургия заводи, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли шампан винолари заводи халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат, Маҳаллий саноат, Тайёрлаш, Бинокорлик материаллари саноати министрликлари, Наманган ва Тошкент областлари, Ўзбекистон металлургия заводи, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли шампан винолари заводи халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Ватан Тошкент Олий партия мактабининг партия ва совет кадрлари тайёрлашдаги катта хизматларини Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирлади. 16 май куни Олий партия мактабининг мажлислар залида шу ўқув юртига юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев йиғилиш аҳлининг қарсаклари остида партия мактабининг байроғига орденни қадаб қўйди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан мактабнинг профессор-ўқитувчилар составини, тингловчилари ва битириб чиқувчиларини муносиб мукофот билан қутлади, уларга ташкилотчилик ва сиёсий ишда, юқори малакали, Ленин партиясининг ишига содиқ кадрларни тарбиялашда янгидан янги муваффақиятлар тилади.

Йиғилиш қатнашчилари ўз нутқларида мактаб коллективининг меҳнатига юксак баҳо берганлиги учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

Мактабга юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, У. У. Умаров, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон партия ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг маданий-маърифий муассасаларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг кутубхона мудири ўртоқ Александра Григорьевна Кравченкони Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Сифат белгиси билан

Харьков шаҳридаги СССР Енгил саноат министрлиги бадиий советининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ўнда бирлашманинг бош корхонасида хромоалюмосинтан мунчармни давлат Сифат белгиси аттестациясига тақдим этдилар. Янги сунъий ошловчи модданинг таркиби ҳамда технологик ишлов бериш мумкин. Ўтган йили ишлаб чиқарилган буюмлар Харьковда аттестациядан муваффақиятли ўтганидан сўнг олий сифат категорияси билан нишонланадиган буюмларнинг салмоғи йил охирига бориб жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 20 процентига қадар етказилади.

Шу кунларда 2-заводда илғор усул — цирконий тузида ишловдан ўтган қаттиқ чарм товарлари Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Полиуретан асосдаги тагликлар ҳам фахрли беш қиррали белги билан нишонланмоқда.

Йил бошидан бери корхона 2 миллион сўмлик буюмни Сифат белгиси билан ишлаб чиқарди. Маҳсулотнинг янги туркуми Харьковда аттестациядан муваффақиятли ўтганидан сўнг олий сифат категорияси билан нишонланадиган буюмларнинг салмоғи йил охирига бориб жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 20 процентига қадар етказилади.

Украина чарм саноати илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ҳам хомашёга ишлов беришнинг янги усулини таклиф этган эдилар. Корхона бош инженери М. Казюкин, Р. Раҳимов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси, цех бошлиқлари В. Майрин, Л. Булдакова ва бошқалар янгиликнинг ўзлаштирилишига катта ҳисса қўшишди.

• *Пойтахт қурилишларида*

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИБ

Ҳозирда Октябрь районида республикадаги энг катта савдо-бозор комплекси қурилиши жадал суръатда олиб бориляпти. Комплекс магазинлар, маҳсулот сақловчи омборлар, хўжалик блоклари, ошпазлик цехлари, гумбазли бозор ва бошқа бир қатор объектларни ўз ичига олади. Шунингдек, бу ерда 16 қаватли меҳмонхона — «Колхозчилар уйи» қурилиши кўзда тутилган. Бу ерда жами 3 мингта савдо нуқталари бўлади.

Комплекс объектларида ҳозиргача анча ишлар амалга оширилди. 60 процентдан зиёд бетонлаштириш ишлари тугалланди. Ғишт қалаш ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда. Темир-бетон конструкциялар и н и монтаж қилиш ишлари ҳам тугалланмоқда. 11-«Висотстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг А. Паршуков, П. Попов ва Б. Турсунқулов бошлиқ бригадалари графикдан ўзғи ҳолда меҳнат қилиб, сифатли иш бажармоқдалар.

Ҳозирда гумбазли бозорнинг металл конструкциялар и н и монтажлаш ишлари охирлаб боряпти. Бу ишни донгдор қурувчи, Ленин ордени кавалери Мухтор Ҳабибуллаев бригадаси аъзолари амалга оширишяпти. Бу илғор коллектив монтаж ишларини июнь ойининг бошларида ниҳоясига етказишга ваъда берган. Улар тобора маррага яқинлашиб боришяпти.

Бу йил бунёдкорлар комплекс қурилишида 8 миллион сўмлик маблағни ўзлаштиришлари керак. Улар республика юбилейи шарафига юксак мажбурият олишиб, ёпиқ бозор қурилишида қурилиш-монтаж ишларини ошириш, шунингдек санага қадар бажариш учун курашмоқдалар.

Республикада биринчи бўлиб

Маҳаллий саноат бошқармасига қарашли босмахона ишлаб чиқариши бўлган бадиий-конструкторлар и к бюроси коллективининг йил бошидан бери ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб берган буюмлари 700 минг сўмликдан ошиб кетди. Бу корхона дастлаб ишга туширилган 1976 йилдаги йиллик маҳсулот ҳажмидан икки баравар кўп.

Бу ердаги маҳсулотларнинг бозори чаққон. Коллектив тайёрлаётган альбомлар, ён дафтарлар, ҳужжатларнинг ғилофлари, бошланғич синф ўқувчилари учун зарур бўладиган ҳар хил ўқув қуроллари, кўргазмали воситалар маданий моллар магазинларида узоқ ётиб қолмаяпти.

Ўтган йили корхона ҳаётида муҳим ўзгаришлар бўлди. Бу ерда янги босма цехи ишга туширилди. Республикада биринчи бўлиб картонга гул босиш йўлга қўйилди. Бошланғич синф ўқувчилари учун расмли сўз таркиблари, ҳарф-бўғинлар кўчириладиган рангли расмларнинг бир неча хилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ЛАБОРАТОРИЯЛАРДАН — ПРАКТИКАГА

Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий илмий-тадқиқот лабораторияларининг мутахассислари табиий газни қуритиш янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Улар газсизлантирилган углеводород конденсатини газ оқимига пуркаш методидан фойдаландилар. Шу ечимни жорий этишдан бир йилда олинадиган иқтисодий самара бир миллион 643 минг сўмга боради.

Лаборатория коллективи қудуқлар, компрессор станцияларининг пухталигини оширишга, магистраль газ қувурлари хизмат муддатини узайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Масалан, олимлар, газ кони машина-ускуналари ва қувурларини, коррозия сабабли емирилиб кетишдан ҳимоя этиш борасида айтган таклифларини жорий этиш 1983 йилнинг ўзидагина қарийб ярим миллион сўм маблағни тежашга имкон берди.

Кейинги пайтларда бу ерда газ қазиб чиқаришни кўпайтириш ва уни қайта ишлашни яхшилашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган анча ечимлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон, бошқа республикалар газ саноати объектларига муваффақиятли жорий этилмоқда.

(ЎзТАГ).

Моҳир учувчининг жасорати

Сергели авиацияси бўлинмасининг коллективи ўзбек газчиларидан кутилмаган буюртма олди. «Средазтрансгаз» бошқармаси мутахассислари «Ўрта Осиё — Марказ» газ қувури трассасида юз берган тиғиз вазиятни бартараф этиш учун вертолётчиларнинг ёрдами жуда ҳам зарур эканлигини сўраб илтимос қилишди. Шунга биноан 19 йилдан бўён вертолётларни бошқаришда катта тажриба орттирган Анатолий Васильевич Андросов бошлиқ экипаж «МИ-8» маркали вертолётда газ ремонтчилари бригадаси ва 2,5 тоннадан ортиқ материаллар ва ускуналарни ҳаво кемаси бортига ортган ҳолда кимсасиз чўл саҳросига парвоз қилди. Экипаж топшириқни жуда қисқа муддатда, сифатли бажарди. Чўл бағрида юз берган газ трассасидаги вазият бартараф этилди.

Мамлакат халқ хўжалиги учун қимматли ёқилғи — газ таъминотини бир маромда узатиш яна йўлга қўйилди. Бу ишни бажаришда экипажнинг иккинчи учувчиси Владимир Николаевич Костенко, борт механиги Павел Петрович Зинякинлар ҳам маҳорат кўрсатишди.

А. В. Андросов бошлиқ экипаж ҳамиша смена нормасини 120 процент бажаради. У йил бошидан буён иккинчи тоннадан ортиқ ёқилғини тежаб қолди.

монгги газеталарда

● Австрия маориф ва санъат министри Гельмут Цильк бошчилигидаги Австрия Республикасининг делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, У. Юсупов номидаги агросаноат бирлашмасида бўлдилар. 16 майда Ўзбекистон ССР Министрлар Советида Австрия делегацияси қабул қилинди.

● Австрия Республикаси делегацияси Самарқанд ва Бухорога сафар қилади.

Афғонистон Демократик Республикаси ишчилари ва деҳқонлари намояндаларининг бир группаси Тошкентга келди.

Улар республика турмуши билан танишишни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидан бошладилар. Афғонистонлик меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилдилар.

Қўшни дўст мамлакат ишчилар синфи ва деҳқонларининг намояндалари Ўзбекистонда бир ҳафтадан кўпроқ вақт турадилар.

ПАРТИЯ ИШИ — БУТУН ХАЛҚ ИШИ

Бугун ҳар бир меҳнат коллективида ягона сиёсий кун ўтказилади. Республика ва пойтахтнинг корхоналари, муассасалари, турли ташкилотларида докладчилар «Партия иши — бутун халқ иши» мавзуида суҳбатлар ўтказишади. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ягона сиёсий кун қатнашчиларининг диққат-марказида туради.

Ягона сиёсий кун мобайнида шаҳарнинг ҳар бир районида меҳнаткашлар саволлар беришади, булар кейинчалик корхона ва муассасаларнинг партия ва жамоат ташкилотлари, маъмуриятларнинг иш планларида ўз ифодасини топади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон Архитекторлар союзида республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Александр Кедрин монументал асарлари кўргазмаси очилди.

●

«Ёшлик» уйида ёш рассом Маргарита Шувалова ишлаган портрет асарлари кўргазмаси намойиш этила бошланди. Бу санъаткорнинг ижоди маҳорати ва асарларининг ўзига хослиги, атроф-муҳитга чуқур мазмунли нигоҳ ташлаши билан ажралиб туради.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 21 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 10—15, кундузи 23—28 даража иссиқ бўлади.

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

Шаҳримиздаги лакбўёқ заводи коллективи республика юбилейи йилида 17 миллион 300 минг сўмлик зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга азму-қарор қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагидан анча кўпдир. Завод республикамиз халқ хўжалигига, қурилиш ташкилотлари ҳамда савдо тармоқларига турли хил бўёқлар, лак ва эмаллар етказиб бериш билан бир қаторда хорижий мамлакатлар буюртмаларини ҳам ўз вақтида бекаму-кўст бажаришга эришмоқда. Ҳозирги кунда корхона ўнга яқин чет эллик буюртмачиларнинг эҳтиёжини қондирмоқда.

БУГУН

ана шу завод маркаси туширилган 15 тонна маҳсулот Афғонистон Демократик Республикасбига жўнатилди.

— Навбатдаги экспорт, — дейди завод партия комитетининг секретари Г. Маклакова, — Ангола билан эфиопиялик буюртмачиларга аталган.

ЯНГИ ПОЧТА БЎЛИМИ

Юнусобод массивида янги 206-почта бўлими очилди. У кенг ва ёруғ хонада жойлашган бўлиб, массивнинг 14—17-кварталлари аҳолисига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Янги почта бўлимида хат-хабарларни бригада усулида етказиб бериш жорий этилган. Атиги беш киши газета ва журналларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

16 май куни меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этувчи республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Қашқадарё областида меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш юзасидан комиссия илгари берган тавсиялар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ва курортлар ҳамда туризм объектларида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бўлинмалари қурилиш-монтаж ишлари давлат планини қандай бажараётганлиги ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Қашқадарё областининг партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари муайян ишлар қилганликлари уқтириб ўтилди. 175 ўринли учта санаторий-профилакторий фойдаланишга топширилди, ўнта оммавий дам олиш зонаси барпо этилди.

Шу билан бирга, комиссия мажлисида уқтириб ўтилганидек, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондидан меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш учун ажратилган кўпгина маблағлар Қашқадарё областида фойдаланилмай қолиб кетмоқда. Болали оналар учун санаторийлар суст барпо этилмоқда, туристик ташкилотларнинг катта-катта имкониятларидан фойдаланилмаяпти, минерал сувнинг катта запаслари ва бошқа табиий-иқлим ресурслари меҳнаткашлар саломатлиги учун қўлланилмаяпти.

Республика комиссияси область меҳнаткашларининг дам олишини ташкил этишни яхшилаш тадбирларини белгилади. Пионер лагерларини ёзги мавсумга тезроқ тайёрлаш зарурлигига эътибор жалб қилинди.

Мажлисда «Ботаника», «Ситораи моҳи хоса» санаторийларини, Самарқанд ва Урганчда туристлар меҳмонхоналарини қуришнинг бориши ҳақида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг ҳисоботи тингланди. Қурилиш ишларини ташкил этишда ҳали камчиликлар борлиги уқтириб ўтилди.

Комиссия республика Қурилиш министрлигининг курортлар ва туризмнинг барча объектларида қурилиш-монтаж ишларининг планини сўзсиз бажаришга қаратилган қарорини маъқуллаб тегишли тавсиялар қабул қилди. «Ситораи моҳи хоса» санаторийсида бир қанча объектларни сифатли қуриб уни шу йилнинг июнь ойигача тугаллаш, Урганчдаги меҳмонхона қурилишида ишни икки сменада ташкил этиш зарурлиги шу тавсияларда кўрсатиб ўтилди.

Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этувчи Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент область комиссияларига курортлар ва туризм объектларини қуришнинг бориши устидан контрол ўрнатиш ҳамда белгиланган планларни бажаришда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бўлинмаларига ёрдам бериш тавсия этилди.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

«МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА УРТОҚЛАРЧА ОЧИҚ ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИДНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ, ИМЗОСИЗ ТУҲМАТ-БЎҲТОНЛАР ВУЖУДГА КЕЛИШИГА БАРҲАМ БЕРУВЧИ СОҒЛОМ, МАЪНАВИЙ-ПСИХОЛОГИК ШАРОИТ, ВАЗИЯТ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ КЕРАК».

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).



Район Советининг депутати Мухтабар Яҳёева бадиий буюмлар фабрикаси каштачилик цехининг илғор тикувчисидир. У миллий нақшли сўзаналарни юксак маҳорат билан тайёрлашга эришмоқда. Асосий ишдан ташқари жамоат ишлари билан шуғулланиб, ўзининг депутатлик бурчини ҳам бекаму кўст адо этмоқда.

СУРАТДА: меҳнат илғори М. Яҳёева.

• *ДУМАЛОҚ СТОЛ АТРОФИДА СУҲБАТ*



ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ МУАММОЛАРИ

Пассажир транспорти ҳаётимизда қандай муҳим ўрин эгаллаганлиги ҳақида гапириб ўтириш шарт эмас. Аҳолининг кайфияти, меҳнат коллективларидаги унумдорлик унинг пухта ва аниқ ишлашига боғлиқ. Лекин шаҳар хўжалигининг бу тармоғида ҳамма нарса кўнгилдагидек эмас. Оқшомхонлар ўз хатларида камчиликлар ҳақида хабар қилишяпти, таклифлар киритишяпти, жамоат транспортининг ривожланиш истиқболлари билан қизиқишяпти, «Оқшом»нинг думалоқ столи атрофидаги учрашув қатнашчилари — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, 2-трамвай депоси ҳайдовчиси Н. Абдулаҳаева, шаҳардаги барча турдаги пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси бўлимининг бошлиғи Ю. Костров ва «Главташпассавтотранс» ҳаракат бўлимининг бошлиғи С. Аъзамов билан суҳбат ана шундай хатлар асосида тузилди.

Савол: Кейинги йилларда шаҳарда янги турар жой массивлари ва микрорайонлари қад кўтарди, замонавий майдонлар ва проспектлар қурилди, аҳоли сони ошди. Республика пойтахти аҳолисига транспорт хизмати кўрсатилишини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

Ю. Костров: турар жой массивларини ўзаро ва шаҳар маркази билан, метрополитен станциялари, саноат зоналари ва дам олиш зоналари билан бевосита боғловчи кўпгина қулай маршрутлар пайдо бўлди. Фақат 1983 йилда 7 та автобус маршрути ва 6 та маршрутли такси линияси очилди. Автобуслар ҳаракатига 31 та ўзгартиш киритилди, бошқа турдаги транспорт ишига ҳам тузатишлар киритилди. Юнусобод, Чилонзор, Сергели, Қўйлиқ турар жой массивларининг аэропорт, вокзал, тўқимачилик комбинати, электрон-техника, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводлари, авиация бирлашмаси, олий ўқув юртлари билан транспорт алоқаси таъминланди. Қорақамиш, Медиклар шаҳарчаси массивлари аҳолисини аэропортга ва бошқа районларга ташиш унчалик яхши эмас. Бунинг сабаби масофанинг узоқлиги ва «Главташпассавтотранс» корхоналарида, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида ҳаракатдаги составнинг етишмаслиги, шунингдек, Хадра майдони ва шаҳарнинг бошқа кўчалари реконструкция қилинаётганидадир.

Савол: Йўловчилар гавжум соатларда ҳаракатдаги состав етишмаслиги сезиляпти, ҳаракат графиги бузиляпти. Бундай ҳодисаларнинг сабаби нимада?

Н. Абдулаҳаева: Бунинг сабаблари кўп. Маршрутлардаги ҳаракатдаги состав сони кам. Сифатсиз ремонт қилинганлиги оқибатида трамвайларнинг белгиланганидан олдин депога қайтиши ҳоллари рўй беряпти. Айни пайтда эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли депода анчагина вагонлар бекор турибди. Республика Госплани икки йилдан бери ўроз симлари ажратмаяпти ва электр транспортини ремонт қилиб бўлмаяпти, биз бир неча йилдан бери янги тортиш двигателлари олмаяпмиз.

Мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида иккита ва учта вагондан иборат трамвай ва троллейбус поездларидан фойдаланиш амалда синаб кўриляпти. Бу пассажирлар ташишни яхшилаш имконини беради. Афсуски, бизнинг 2-трамвай депомиз бундай қилолмайди. Ишлаб чиқариш шароитлари ва майдон жиҳатидан 1-троллейбус депосида аҳвол бундан ҳам ёмонлиги менга яхши маълум. Бунинг оқибатида машиналар тунда кўчада туради. Бу ҳаракатдаги составни ремонт қилиш ва созлаш ишларини қийинлаштиради.

Ваҳоланки, Ғафур Ғулом кўчасидаги трамвай депоси беш йилдан бери қуриляпти. Биз у ерга қачон кўчиб ўтишимиз номаълум. «Главташкентстрой»нинг пудратчи ташкилотлари объектда деярли кўринишмайди, улар 1983 йил планини бор-йўғи 65 процентга бажаришган. Шуниси ҳам борки, «Главташкентстрой» тортиш подстанциялари, диспетчерлик станциялари қурилишини зарур деб ҳисобламаяпти. Ҳолбуки, маршрутлардаги кўпгина участкаларда контакт тармоғида кучланиш 600 ўрнига бор-йўғи 320—340 вольт бўлиб, трамвай поездларини нормал бошқариш, у ёки бу маршрутга қўшимча ҳаракатдаги состав қўшиш имкониятини бермаяпти.

Савол: Фикримизча, бу борада транспорт ишини координациялаш бўйича бошқарма айтадиган гаплар ҳам бор.

Ю. Костров: Графиклар бузилиши ҳаракат интервали узайишига сабаб бўляпти.

Шаҳардаги айрим корхоналар ва ташкилотлар иш бошлашнинг босқичли графигига риоя этмаётганлиги ҳам йўл қўйилаётган нуқсонларнинг сабаби ҳисобланади ва пассажир транспортини йўловчилар гавжум соатларда режага солиш имконини бермайди. Шаҳар ташкилотлари иш режими бир неча бор текширилганда аниқландики, аҳолининг асосий қисми соат 9 да ишга боради. Ваҳоланки, бу пайтда фақат касалхоналар ва кечки бўлимлари бўлган айрим олий ўқув юртлари ўз ишини бошлаши керак. Қолган барча корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртлари ўз ишини соат 8.00, 8.30 ёки 9.30, 10.00 да бошлаши керак. Барча ташкилотларнинг босқичли графикка риоя этиши пассажир транспорти ишини аҳоли гавжум соатларда анча енгиллаштирган бўлур эди.

Савол: Яқинда «Известия» газетасида «Главмосгортранс» бошлиғи билан суҳбат босилди. Унда кўрсатиб ўтилишича, билетсиз юрадиганлар сони кўпайган, билетсиз юрганлик учун эса жарима суммаси ошган. Бу масалада шаҳримиздаги аҳвол қандай?

С. Аъзамов: Ҳозирги пайтда автобуснинг («Икарус», «ЛИАЗ») маршрутдаги бир кунлик иши қиймати 80 сўмдан зиёдни ташкил этади, давлат пассажирлар учун ана шу ҳаражатнинг 25 процентини тўлайди. Бунинг устига ҳар бир пассажирни ташишга юз граммга яқин бензин ёки 95 грамм дизель ёнилғиси ажратилади. Шу боисдан пассажирлар сонига мувофиқ бензин сарфи ва автобус рейслари сони планлаштирилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим маршрутларда йўл ҳақи тўламаётган кишилар шунчалик кўпки, бу маршрутларни бекор қилиш масаласи қўйиляпти. Чунончи, «Собир Раҳимов» метро станцияси—мебель комбинати» оралиғида қатновчи 98-маршрутда 110 ўринли «ЛИАЗ» автобуслари ишлайди. Сотилган билетларга кўра ҳар бир рейсдан ўртача 15—20 пассажир фойдаланади.

Ю. Костров: Йўл ҳақи тўламаслик, ҳайдовчига пул бериб, билет олмаслик, айрим ҳайдовчиларнинг линияда молия интизомини бузишлари — буларнинг ҳаммаси транспорт корхоналарига фойда тушишига ва давлат плани бажарилишига салбий таъсир кўрсатяпти.

Н. Абдулаҳаева: 1983 йилда билетсиз юрганликлари учун 150 минг киши жарима тўлаган маълум. Назоратчилар ҳар куни кўплаб муддати ўтиб кетган ёки сохта ойлик йўл билетларини олиб қўйишяпти. Бундайлар битта трамвай 80 минг сўмга олинишини билиб қўйишса ёмон бўлмасди. Бугунги кунда битта пассажирни трамвайда ташиш қиймати 9,1 тийин ва троллейбусда — 10,1 тийинга тушяпти. Давлат меҳнаткашларнинг ташилишини таъминлаш учун ҳар йили 14 миллион сўмга яқин дотация ажратяпти.

Менинг фикримча, йўл ҳақи тўлашни ҳоҳламайдиганларни қаттиқ жазолаш керак. РСФСРда жаримани 3 сўм қилиб, тўғри йўл тутишган. Бизнинг шаҳримизда ҳам ана шундай қилиш керак деб ҳисоблайман.

Савол: Ҳаракат мунтазамлиги бузилишида электр транспорти ходимларининг ҳам айблари бор. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Н. Абдулаҳаева: Чиндан ҳам ҳайдовчилар орасида тегишли қоидаларни инкор этадиган, ҳаракат графигига риоя этмайдиган, авариядан йўл қўядиганлар ҳали бор. Диспетчерлик хизмати, ҳаракат хавфсизлиги бўлими эса уларнинг ишини бўш назорат этишяпти, тегишли чоралар кўришмаяпти. Айниқса ёш ҳайдовчилар ташвишга солишяпти. Улар орасида кадрлар қўнимсизлиги баланд бўлиб, буни оғир меҳнат шароити билан изоҳлаш мумкин. Эрталаб соат 5 да ишхонага етиб келиш ва 6 да трамвайни маршрутнинг охирги бекатига олиб бориш учун—мен соат 3 дан 30 минут ўтганда ўрнимдан туришим ва соат 4 да бизни олиб кетадиган махсус транспорт ўтадиган бекатда бўлишимга тўғри келади. Бундай маршрутлар 21 та.

Автобуслар йўқлиги сабабли бизни юк автомобилида ташишади. Ҳаракат хизмати ходимларининг айтишича, шу сабабли ҳам кўчма диспетчерлик пунктлари ташкил этиш имконияти йўқ. Ачинарли аҳвол. Бизнинг «Подъёмник» ва бошқа қатор корхоналар ишчиларидан нима камчилигимиз бор. Уларни эрталаб соат 8 ва 9 ларда «Икарус» автобусларида ишга олиб боришади. Бизда иш олдидан дам олинадиган, иссиқ шароитда тушлик қилиб олинадиган замонавий диспетчерлик станциялари йўқ. Шаҳарнинг турли жойларида тўхтаб турган автобусларни кўришимиз бежиз эмас. Уларнинг ҳайдовчилари овқатланаётган бўлишади.

Савол: Нима учун кейинги йилларда шаҳар электр транспортининг маршрут тармоғи секин ривожланяпти?

Ю. Костров: Аксинча, кейинги йилларда шаҳар бош план асосида қурилиши ва реконструкция қилиниши муносабати билан шаҳарнинг марказий қисми ва турар жой массивларида трамвай йўлларини ва троллейбус линияларини ўрнатиш бўйича анча ишлар бажарилди. Ҳозирги пайтда Ғафур Ғулом кўчасидан Чилонзор массивининг 19, 20-кварталлари, Собир Раҳимов метро станциялари орқали ипподромгача 12 километр узунликдаги трамвай линияси қуриляпти. У Жанубий-Ғарбий саноат зонаси, метрополитен билан алоқани таъминлайди. Медиклар шаҳарчасидан ТошМИ клиникасигача трамвай йўли қуриляпти.

Лекин ишлаб турган линияларда энергетика қувватлари камчилиги сабабли маршрут тармоғини ривожлантириш имкониятлари чекланган. Ҳозирги пайтда 30 минг киловатт-соат етишмаслиги трамвай ва троллейбус ҳаракатининг тез-тез тўхтаб қолишига олиб келяпти. Кучланишли подстанциялар сони оширилиши лозим. Уларнинг қурилиши ғоят секинлик билан олиб бориляпти.

Савол: Маълумки, мамлакатнинг айрим шаҳарларида автобуслар ҳаракатини бошқаришнинг автоматлашган системаси ишлаб турибди. Шундай система бизда жорий этиладими?

С. Аъзамов: Чиндан ҳам Олмаота, Омск ва мамлакатнинг бошқа айрим шаҳарларида шундай система жорий этилган. У ҳар бир рейснинг график бўйича бажарилишини назорат этишни анча яхшилаш имконини беради. Айтиш мумкинки, ташишни ташкил этишнинг барча жиҳатлари, барча хизматларнинг иши, рейслари қатъий график асосида бажарилишига йўналтиради.

Худди шундай системани Тошкентда жорий этиш кўзда тутиляпти. Ў шаҳар пассажир транспорти барча турларининг марказий диспетчерлик станцияси (ЦДС) биносида 1 Май кўчасида ўрнатилади. Бинони «Висотстрой» трести 1976 йилда қуришни бошлаган. Объектнинг умумий қиймати 3,3 миллион сўм бўлиб, саккиз йил учун 7,4 миллион сўм ажратилган эди. Бор-йўғи 1,6 миллион сўм ўзлаштирилди.

Ўтган йилнёк системани яратиш учун умумий қиймати 0,5 миллион сўмликдан зиёд барча электрон-ҳисоблаш техникаси олинган эди. Бироқ, «Висотстрой» трести (бошқарувчиси П. Г. Саркисов) марказий диспетчерлик станциясининг иккинчи қаватини электрон-ҳисоблаш машинаси монтаж қилиниши учун май ойида топшириш бўйича ўз ваъдасини яна бажармаяпти.

Савол: Электр транспорти ҳайдовчиларни билет сотишмаяпти, салонларда абонементларни компостер қилиш мумкин. Нима учун бу система автобусларда жорий этилмаяпти?

С. Аъзамов: Йўл ҳақи тўлашнинг турлича системаларини жорий этиш мумкин.

Сизга маълумки, ҳозирча бу масалалар қийинчилик билан ҳал этиляпти. Шу сабабли биз йўл ҳақи тўлашнинг амалдаги системасини ўзгартирмаган ҳолда абонементлар ва ойлик билетларни олдиндан сотувчи пунктлар тармоғини кенгайтирмоқдамиз.

Савол: Шаҳар транспорти схемаси охирги марта 1980 йилда чиқарилган эди. У эскирди. Янги схема чиқарилиши режалаштирилганми?

Ю. Костров: Биз 1983 йилда шаҳарнинг асосий магистраллари кўрсатилган шаҳар транспорти янги схемасини ишлаб чиқдик. У бор-йўғи 2 минг нусхада чиқарилган эди. «Союзпечать» ва «Ташкниготорг» қўшимча буюртма беришдан воз кечишди. Ҳолбуки, аҳоли ва пойтахт меҳмонларининг эҳтиёжи катта эди. Бунга қўшимча қилиб шуни ҳам айтиш керакки, биз Тошкент шаҳри бўйлаб йўл кўрсаткичини қайта нашр этишни режалаштирганмиз. Унда кейинги пайтда шаҳарда рўй берган барча ўзгаришлар ҳисобга олинади.

Думалоқ стол атрофидаги суҳбатни

А. ГРИШЧЕНКО ва А. ХАТАМОВ олиб боришди.

• *Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда*

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Бизга хизмат кўрсатадиган 78-маршрутдаги транспорт кечки пайт қаёққадир ғойиб бўлади. Баъзан бошқа маршрутдаги автобуслар бизнинг маршрутимиз бўйлаб йўловчилар хизматига чиқарилади. Наҳотки 78-маршрутдаги автобуснинг графикка риоя қилиб хизмат кўрсатишини ташкил этиш қийин бўлса?

А. ШОКИРОВА,
хизматчи.

Яқинда Аэропорт —Юнусобод йўналишига қатнайдиган 67-«э» маршрутли автобуслар аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Биз ишчилар бундан ниҳоятда хурсанд бўлган эдик. Лекин автобусларнинг асбособсизлик заводи олдида тўхтамасдан ўтади. Шу маршрут корхонамиз аҳолиси учун қулайлик яратилган бўларди.

В. ОВСЯННИКОВА,
йўловчи.

А. СУЛТОНОВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

— 78-маршрутнинг кечки пайт йўловчиларга қониқарсиз хизмат кўрсатаётганлиги бошқармада кўриб чиқилди. Хатда кўрсатилган фактлар тўғри. Баъзан маршрутда автобуслар етишмай қолганда линия диспетчери 87-маршрутли автобуслардан фойдаланиб, 78-маршрутга қўйган.

Маршрутда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун автобусдаги ҳайдовчилар иши икки сменада ташкил этилди, барча ҳайдовчилар билан суҳбат ўтказилди, навбатчи механикларга линия диспетчерининг муҳридан сўнг гаражга машиналарни киритишига рухсат беришлари айтилди, 78-маршрут ишини назорат қилиш 3-автоколонна бошлиғи А. Романовга топширилди.

— Бошқармамиз зетхон В. Овезкова хатини чиқди ва йўловчилтимосини ўринли деб ҳисоблаб, асбособ заводи олдида «Сипов кўчаси» бекатида ташкил этди. Бу 67-«э» маршрутли тобуслар бу бекатда ҳамиша тўхтаб ўтади.

Зарар кимдан ундирилади?

Мени 1980 йилнинг 12 ноябрида Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли шаҳрида кеч соат 9 да «ГАЗ—69» маркали машина уриб кетди. Бахтсиз ҳодиса юз берган куни соат 16 да ишга тушиб, соат 21 да сменадан чиққан эдим. Сменадан чиққанимга ўн минут ҳам бўлмай, шундай воқеа юз берди. Менга иккинчи гуруҳ инвалидлиги тайинланди. Ҳозир маошимнинг 50 процентига миқдорида пенсия оламан. Айтингчи, ушбу воқеа иш вақтида содир бўлган бахтсиз ҳодисага киradими? Ойлик иш ҳақим билан пенсия пули ўртасидаги фарқ тўланадими?

А. МАДАМИНОВ.

А. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг штатсиз ҳуқуқ инспектори.

— ВЦСПС Президиумининг 1966 йил 20 майдаги (кейинчалик қўшимча ва ўзгартишлар киритилган) Қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги қоидада кўрсатилишича, агар бахтсиз ҳодиса корхона, ташкилот, муассаса территориясида, ундан ташқарида, лекин корхона, муассаса ва ташкилотнинг топшириғига биноан иш бажараётган пайтда, шунингдек, корхона томонидан берилган транспортда ишга олиб борилаётган ва ишдан олиб келинаётган ишчи ва хизматчилар билан содир бўлса бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги акт тузилади. Сиз келтирган мисолга биноан бахтсиз ҳодиса «ГАЗ—69» маркали машина бошқарувчисининг айби билан жабрланувчининг тиётсизлиги натижасида юз берган ҳолат тегишли лар томонидан ўрганилмайлитириган лиши керак. Бу ҳолда бахтсиз ҳодиса бошлиғи Сиз ишган корхонанинг қонунчилик белгиган шартлар бажарилмаган исботланмайди.

Агар бахтсиз ҳодиса транспорт воситасининг рувчиси айбдор деб топилиб, у суд ҳукми билан жазоланган тақдирда, Сиз нетказилган зарар ва ойлик билан пенсия пули ўртасидаги фарқни ундириш учун судга ариза бериб, ўринли даъвоси қондирилиши мумкин.

• *«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар*

«ҚОҒОЗДАГИ ХАЁЛИЙ ҚАСР»

Газетанинг 1984 йил 31 март сонида «Қоғоздаги хаёлий қаср» фельетони эълон қилинган эди. Фельетонга «Главташкентстрой»дан қуйидаги жавоб олинди.

«Қоғоздаги хаёлий қаср» фельетонида турар жой фондининг сақланишини таъминлаш, ремонт ишларини сифатли, молия ва материал ресурслар тақсимотидаги камчиликлар рўйи рост очиб ташланган эди. Фельетон турар жой коммунал хўжалиги бошқармаси ходимлари, турар жой коммунал идораси, ремонт қурилиш бошқармаси, хўжалик ҳисобидаги ремонт бошқармасининг барча раҳбарларини ва «Главташкентстрой» вакилларини иштирокидаги кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилинди.

Унда кўрсатилган фактлар ҳаммаси тасдиқланди. Қорақамиш 2/4 массивидаги 18-уйнинг томини жорий ремонт қилишда; Чилонзор массивидаги 11-уйда санитария-техника жиҳозларининг ремонтида йўл қўйилган камчиликлар ва меҳнаткашларнинг хатларига эътиборсизлик билан қараганлиги учун турар жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи В. Н. Лебедевга халқ контроль ва бошқарма бўлинмаси бошлиғи биноан анговор берилди. Шунингдек, бошқарманинг 1984 йил 11 мартдаги буйруғи биноан турар жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбарлари квартал якунига кўра мукофотдан маҳрум этилдилар.

«Главташкентстрой»нинг мазкур трест коммунал хўжалиги бошқармаси машина ва механизмлаш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилаганлиги, Биринчи ярим йиллик якуни бўйича трест хўжалик активи ҳам қатнашади.

З. СОДИҚОВ,
«Главташкентстрой» бошлиғи ўринбосари.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: Шароф Рашидов проспектининг кўриниши.

М. Нуриддинов фотоси.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

18 МАЙ, 1984 й.

ЛУҚМА

ЮРАК НЕГА БЕЗИЛЛАЙДИ?

Тасодифан бир купега тушиб қолиб суҳбатлашиб кетаётганимизда фарғоналик бир момо билет текширib юрган ревизорни кўриб қўрқиб кетганн ҳеч ёдимдан чиқмайди. Кампир унинг кийим-бошига қараб почтачи деб ўйлаган экан.

Кампир бунча почтачидан қўрқмаса дерсиз. Бунинг сабаби бор. Момо уруш йилларн битта почтачининг қўлидан учта қорахат олган экан. Уч ўғлидан. «Почтачини кўрсам юрагим ўйнайди болам», деган эди ўшанда кўпин кўриб, дийдаси қотиб кетган кекса суҳбатдошим, кўз ёшларини енги билан артиб...

У йилларни ҳеч кимга кўргулик қилмасин. Почтачилар элюртга фақат хушхабар ва газета-журналлар улашиб юрсин. Бизнинг ниятимиз шу. Аммо ушбу хайрли касб эгаларн гоҳи ўз ишига масъулиятсизлик билан қараб, обуначилар-ни ранжитиб қўймоқда. Почта ишини яхшилаш, газета ва журналларни ўз вақтида етказиб бериш масаласига эътибор кучайган шу кунларда ҳам айрим обуначилар почтачинн кўрса юраги безиллайдиган бўлиб қолишган. Баъзан ҳафталаб ва ойлаб ўзларн обуна бўлган газета-журналларнинг юзини кўролмай хуноб бўлаётганликлари ҳақида бизга хат устига хат йўллашмоқда.

— «Тошкент оқшоми» газетаси ва «Саодат» журналинн севиб ўқийман, — деб ёзиб-ди оқшомхон, Ленточная кўчаси, Ободон проездн, 8-уйда яшовчи Мўътабар Салимова. — Шунинг учун ҳам уларга обуна бўлган эдим. Аммо минг афсуски, бу газета ва журналнн ўз вақтида ўқий олмаяпман. Бизга хизмат кўрсатаётган 2-алоқа бўлимн ходимларининг совуққонлигн ва бегамлигн туфайлн газетанн уч кунда бир, журналнн эса уч ойда бир оламан. Утган 1983 йилда ҳам ушбу газета ва журналнн ҳаммасн бўлиб уч марта олдим.

Энди мазкур газета ва журналнн ёнимиздаги дўкончадан сотиб олишга одатландим. Тўғрироғи шундай қилишга мажбур бўлдим. Лекин менн доим бир савол ўйлатиб қўяди: 2-алоқа бўлимн ходимларини виждон азоби қийнамасмикин!..»

Айрим алоқа бўлимн ходимларнинг шу мазмундаги хатларнн кўрсатсак обуначиларнн нотўғри тўлдирганлиги деган анъанавий сабабни қайд қилишади. Юқоридаги мухлисаларнн Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг талабаси ва обуна қоғозинн бекалаб, тўлдирган бўлиши шубҳасиз. Шундай экан 2-алоқа бўлимн раҳбарлари бу сафар бошқа баҳона топишларн керак бўлади.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай почта ишларидаги мавжуд жиддий камчиликлар ҳамон давом этиб келаётганлиги ҳаётдан маълум. Хўш, уларни бартараф этишнинг самарали йўллари қайсилар? Бу ўринли саволга шу соҳа почта алоқаси ходимлари, техникка бошқармаси раҳбарларидан аниқ ва батафсил жавоб кутамиз!

М. ЮСУПОВ.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Она гули — фарзанд. У ҳаётимиз чироғи, кўлимиз нури, қалбимиз ғурури. Фарзандни парвариш қиламиз, эъзозлаймиз, камолотини ўйлаймиз. Лекин, асосан унинг одоби гўзал бўлиши оилага бир олам қувонч, бахт келтиради.

Ниҳолни — ёшдан, болани — бошдан асра, дейди доно халқимиз. Яхши одоб — одамга офтоб бўлади. Ёшлигидан онлага етук тарбия кўрган бола кишилар орасида ҳам, оилада ҳам ота-онасига раҳмат келтиради, ҳамма ҳавас қилади.

Оила, бу, тарбиянинг бошланғич ўзагидир. Болаликдан онланнинг тенденциялар руҳида тарбияланган болани биз педагоглар ҳудда тез фаҳмлаб оламиз. Мактабга илк қадам қўйган мурғак «яхлолдаёқ» онланинг кичкина ва ютуқлари тезда кўринади. Ўқитувчисига жовдираб турган қора кўзлардан баъзан қўрқувни, баъзан гурурни, баъзан эса айёрликни сезиш мумкин. Шундай онлар ҳам бўладики, улар болани дўқ-пўписа ва қўрқитиш билан йўлга солмоқчи бўладилар, болани уришиб-сўкадилар. Бу эса, жуда ноўрин, тарбияга ғоят ҳилоф одат. Бу билан бола шахсини синдирадилар, кўнглини чўктирадилар, энг ачинарлиси ўз ҳурматларини бола кўз ўнгида йўқотадилар. Бундай тарбия олган болалар катталарга ишончсиз бўлиб қоладилар. Шундай ота-оналар борки, улар олдида танбеҳ берилса, «қўяверинг, катта бўлганда йўлини топиб олар» дея ўзларини тарбиядан олиб қочадилар.

Баъзан «тарбия — бу мактабнинг иши» дегувчилар ҳам учрайди. Онлада болага ягона талаб бўлмоғи лозим. Ота бир хил, она иккинчи хил талабни қилса, ўртада бола оғир аҳволда қолади. Қайси талабни бажаришни билмай гаранг бўлади, иккиюзламачи бўлиб ўсади.

Кўп болали онларда бола тарбияси учун катта имкониятлар очилади. Онла аъзоларига уй юмушларини бўлиб бериш, ишнинг мураккаб, жисмоний куч талаб қилинмаганларини ўғил болаларга юклаш, улар бажарган ишни баҳолаб бориш яхши ёрдам беради. Янги нарса (кийим) харид қилишни навбатма-навбат бажариш, уларда коллективизм ва меҳнатсеварлик, сабр-тоқатни тарбиялайди.

Мен бир педагог онлани биламан. Уларнинг бир қизи ва уч ўғли бор. Булар шундай иноқ тарбияланишганки, акасига кичикроқ келган кийимни кичик укаси кияверади, озода юришади, дарс тайёрлаганда бир-бирларига ёрдам беришади, уй юмушларини саналорлик қилмай бажаришади. Онланинг катта фарзанди студент бўлганда отаси юз сўмлик костюм-шим олиб бермоқчи бўлди. Ўғли Асад отасига бундай деди: «Мен ҳали студентман, дада, 52 сўмлик мана бу оддийсини олиб бераверинг». Бу йигитчадаги камтарлик, камсуқумликни ҳамма ҳавас қилади.

Шундай онлалар борки, уларнинг фарзандлари жинси шим деб жанжал қилишади. Ота-онасининг бор-йўқлигига қарамай уни олдиради. Тўғри, замонамиз тўкин-сочин, юртимизда мўл-кўлчилик, лекин болининг харҳашасига қулоқ солиб: «Биз емадик, ейрайлик, киймадик, кийинтирайлик» қабилида иш тутиш болани лоқайдликка, ишёқмас ва текинхўрликка ундайди.

Баъзан онлада ота чекади, ичади, бу болга кўзи олдида юз беради. Ота-она кули келиб ўғлининг чекиб юрганини сезмай қолади. Ўқитувчи ёки тарбиячиси гапирса, «каттталардан ўрганганидир да», деб бепарволик қилишади. Уни бу одатдан қутқариш йўлини излашмайди.

Шундай бир онлани биламан. Бола беш ёшидан бошлаб чеккан, ота унинг қилиғини «ширин билиб» кулган, кейинчалик бола чекишга одатланиб қолган. Ота-онадан: «Нега бу ёмон йўлдан қайтармагансиз» деб сўраганимда «Кўп уриндим, ҳеч иш чиқаролмадим» деб нолиди. Бола отадан қолган пиёла тагидаги вино ёки ароқни ичиб қўйса, «яша, ота ўғли» деб уни рағбатлантирадиганлар ҳам учраб туради. Ёш бола организми жуда тез кўникувчан бўлади. Кейин бу «тарки одат — амри маҳол» бўлиб қолади. Фарзандларимиз соғлом ва бардам бўлишлари керак. Юқоридагидек нотўғри одатлар эса, келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг мажруҳ бўлиб ўсишларига сабаб бўлади. Тамакининг зарари, алкоголнинг ёмон оқибатларга олиб келишини онлада, мактабларимизда кенг ва чуқур тушунтиришимиз, кашандалик ва ичкиликбозликка ҳамма жойда кескин кураш олиб боришимиз керак.

Онлада ҳозирги кунда туғилган кунларни нишонлаш одат тусига кириб қолди. Баъзан боланинг туғилган кунини катталар нишонлашади (боланинг ўртоқлари қолиб кетади). Бунинг ўрнига боланинг октябрят сафига, пионер сафига, комсомол сафига ўтган кунини нишонлаш, ўғил боланинг ҳарбий хизматга лойиқ деб топилган кунини, паспорт олган кунини нишонласа, бу бола ҳаётида унутилмас кунлар хотираси сифатида қолади.

Ёшларни яхши анъаналарга, дўстлик, меҳнатсеварлик анъаналарига руҳлантиришимиз керак.

Жонажон Коммунистик партиямиз мактабга, ёшлар камолотига ғоят катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатмоқда. «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да мактаб, онла ва кенг жамоатчиликнинг бола тарбиясидаги - муҳим роли жуда аниқ кўрсатиб берилди.

Ёшлар — бизнинг келажагимиз, улар жамиятимизнинг фахри ва камоли бўлади. Шундай экан, уларни чинакам коммунистик руҳда тарбиялаш, етук инсонни камол топтириш шарафли бурчимиз, ифтихоримиз бўлиб қолиши керак.

Мақсуда ЁРМАТОВА,
Л. Б. Шастри номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб директори.

• ПЕДАГОГ ЎЙЛАРИ

ФАРЗАНД ОДОБИ ГЎЗАЛ

Мактабнинг роли нақадар катта бўлмасин, аммо ўсувчи инсонни унинг ўзигина тарбияламайди. Характернинг асослари, илк ҳаётий йўл-йўриқларига оилада негиз яратилади.

К. У. ЧЕРНЕНКО.





• *Бугун — Халқаро музейлар куни*

НАФОСАТ ОЛАМИГА САЁҲАТ

Халқаро музейлар куни арафасида Ўзбекистон давлат санъат музейи, унинг филиали — СССР халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Ўрол Тансиқбоев уй-музейи экспозицияларига янги асарлар билан бойиди. Бу ерда кўпгина музейларнинг фондларида сақланаётган асарларнинг анъанавий кўргазмаси ҳам очилди.

Ўрол Тансиқбоевнинг 80 йиллиги арафасида Ўзбекистон ССР Рассомлар союзида рассомнинг шахсий кўргазмаси ҳам очилади. Унда Москва, Тошкент, Нукус музейларида сақланаётган 400 дан ортиқ рангтасвир ва графика асарлари намойиш этилади. Кўргазма экспонатлари орасида илгари намойиш этилмаган 200 дан ортиқ рангтасвир ва графика асарлари ҳам бор.

Ў. Тансиқбоевнинг Черданцев кўчасидаги уй-музейи экспозициялари «Тоғларда куз», «Шўр ювиш» «Пионер лагери» каби рангтасвир асарлари билан бойиди. СССР Бадиий академиясининг 225 йиллиги муносабати билан юбилей комиссияси томонидан Ўрол Тансиқбоевга совға қилинган эсдалик медали ҳам янги экспонатлар орасидан жой олди. Шунингдек, санъатшунос Наталья Глазкова томонидан тайёрланган Тансиқбоев уй-музейи ҳақида ҳикоя қилувчи китобча ҳам нашрдан чиқди.

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари шу кунларда санъат музейига кейинги беш йил мобайнида чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон жамияти ҳамда санъат мухлислари томонидан тақдим қилинган 200 дан ортиқ янги асарлар билан ҳам танишадилар. Бу кўргазмада рус ва хорижий мамлакатлар тасвирий ҳамда амалий санъат дурдоналари жамланган.

Япония амалий санъат усталари томонидан яратилган ёғоч ўйинчоқлар, миллий кийимлар ва чинни идишлар коллекцияси алоҳида эътиборни жалб этади.

Республикамиз пойтахтида яна иккита музей очиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Уларда гиламлар ва осори атиқа, заргарлик буюмлари намойиш этилади.

О. АПУХТИН.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида намойиш этилаётган янги кўргазма экспонатлари: Автор фотолари.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● ОЛИМЛАР ҲАЁТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Польша Фанлар академиясининг қарорига биноан кинотеканн яратиш ишлари бошланди. Унга шу пайтга қадар Польшанинг йирик олимлари тўғрисида яратилган фильмлар киритилади. Бу ишда ПХР кино ва фотохужжатлар давлат архивлари жонбозлик кўрсатмоқда. Шунингдек, фан ва техниканинг турли йўналишларида ишлаётган ҳозирги замон поляк олимлари фаолияти тўғрисида, уларнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қиладиган сериял фильмлар яратиш ҳам режалаштирилган. Шу йилнинг охирига бориб фильмотеканинг биринчи қисми тайёрланиб унинг мамлакат экранларида намойиш этилажаги эълон қилинди.

● 10 ЙИЛДА 47 МИЛЛИОН КИШИ

Кейинги ўн йил — 1972—1982 йилларда 10 та Араб давлатида аҳоли сони 47 миллион кишига кўпайди, деб хабар беради ЮПИ агентлиги иқтисодий ва социал ривожланиш Араб фонди эълон қилган маълумотларга асосланиб. Ана шу маълумотга кўра 1982 йили Араб мамлакатларида 174 миллион киши яшаган.

● ЧЕГАРАЛАШ ЁРДАМ БЕРЯПТИ

Американинг рак касалликлари билан курашувчи жамияти маълумотларига қараганда сигарет чекувчи катта ёшдаги америкаликлар сони сўнгги уч йил мобайнида 37 процентдан 29 процентга камайган. Бу кўрсаткичга жумладан, жамоат жойларида чекишни чеклаш қондаси жорий этилиши туфайли эришилди. Лекин шу билан бир қаторда, деб тан оладн жамият, сигаретларнинг бахридан кечиш жуда ҳам оғир шароитларда ўтмоқда. Чунки тамаки компаниялари реклама мақсадлари учун ўзларининг рақибларн — чекиш билан курашишга даъват этувчиларга нисбатан анча кўп маблағ сарфламоқдалар.

● ЖАҲОНДА ЭНГ ҚЎҲНА СТАНЦИЯ

Жаҳондаги энг биринчи метрополитен станцияси — Лондондаги «Бейкерстрит» станциясини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етди. Бу станция 1863 йилда очилган эди. Ўшанда станция перронларига поездларни паровоз олиб келарди...

● ОТЛАР УЧУН... ТАКСИ

Ҳаёт кечириш борган сайин қийинлашавергач ишбилармон кишилар нималарни ўйлаб топишмайди, дейсиз. Гамбургликлик Бернд Грюндман «ҳайвонлар учун такси» хизматини йўлга қўйишга аҳд қилди. Унинг хизматн мушук, ит, қушлар ва ҳатто отларни исталган манзилга асло уриитирмасдан олиб боришдан иборатдир. Хизмат ҳақи эса счётчик кўрсатканига қараб тўланади. «Ҳайвонлар анча ўзини эркин ҳис этади,— дейди Грюндман. — Ҳанузга қадар уларнинг бирортаси ҳам бизнинг ҳайдовчиларимизни тишлаб олгани йўқ».

Лекин фойданинг келиши қийин бўляпти. «Ҳайвонлар учун такси» ҳозирча кунига фақат 10—20 буюртма оляпти. Бироқ Грюндман бундан асло тушкунликка тушаётгани йўқ. «Менинг фирмам бироз довруғ қозониб олсин, кейин пулнинг ўзидан-ўзи оқиб келишини кўрасизлар» — деб ҳисоблайди у.

● ПАҲЛАВОН ЭГИЗАКЛАР

Югославиянинг Суботиц шаҳрида паҳлавон эгизаклар дунёга келди. Уларнинг оғирлиги —4,2 ва 4,1 килограммдир. Она ҳам, эгизаклар ҳам ўзларини жуда яхши ҳис этишяпти.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР


МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

СОФИЯ. Болгарияда Химиклар куни тантанали равишда нишонланди. Тармоқ ходимлари ўз профессионал байрамини меҳнатда эришган салмоқли ютуқлар билан кутиб олдилар. Завод ва комбинатларнинг коллективлари план-топшириқларини ошириб бажарганликлари, янги қувватларни ўзлаштирганликлари, илғор технологияларни жорий этганликлари, меҳнат унумдорлигини ўстирганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

БХР химия саноати министри Георгий Панков ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: социалистик қуриляш йиллари мобайнида республиканинг химия саноати экономиканинг барча тармоқларида техника тараққиётини қудратли жадаллаштирувчи омилга айланди. БХР билан СССР ўртасидаги Иқтисодий Интеграция Болгария химиясини муттасил ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Совет Иттифоқининг ёрдами билан республика территориясида химия ва нефть химиясининг 30 га яқин муҳим объекти фойдаланишга топширилди. Ана шу объектлар бугунги кунда тармоқ қиёфасини белгилаб бермоқда. БХР химия саноати министрлиги Совет Иттифоқидаги министрликлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида бешта тармоқ программасини, шу жумладан 1990 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш тўғрисидаги программани имзолади. Бу программаларда мавжуд интеграция алоқаларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш кўзда тутилади. Программаларнинг амалга оширилиши шу беш йиллик мобайнида химия ишлаб чиқариши ҳажмини 50 процент кўпайтириш юзасидан БКП XII съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли равишда бажариш имконини беради.

ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА

Токио полициячиларининг Япония пойтахтидаги гангстерлар маконларига бир ҳафта давомида қилган рейди вақтида 830 дан кўпроқ киши қамоққа олинди, 134 та ўқ отиш қуроли мусодара қилинди. Бу қуршаб олишлар гангстерлар билан бўлиб ўтган тўқнашув вақтида икки полициячининг жароҳатланганлиги сабабли тайёрланиб ўтказилди. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Токиода 107 та гангстерлар гуруҳлари деярли ошкора ҳаракат қилмоқда. Бу гуруҳларда 22.300 дан кўпроқ киши бор. Ўқ отиш қуролини сақлашни тақиқловчи қаттиқ қонун мавжудлигига қарамай, Токиода бандитларнинг уни қўллаш ҳоллари кўпайиб кетди.



Бундан 39 йил муқаддам иккинчи жаҳон урушн охирида Европанинг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири Дрезденнинг кўпгина ноёб бинолари Англия-Америка авиацияснининг тунги ҳужумн оқибатида вайрон қилинган эди.

СУРАТДА: 1730 йилда барпо этилган қадимий Ноймаркгинг бомбардимон қилингандан кейинги кўриниши.

* * *

СУРАТДА: Қайта тикланган Цвингер саройи ансамблининг машҳур суратлар галереяси биноси (архитектор Г. Земпер). АДН—ТАСС фотолари.



ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

(АБУЛ АЪЛО АЛ МАЪРРИЙ ҲИКМАТЛАРИ)

● Ихтиёрингга бирор вазифа топширилган бўлса, уни яхшилаб ижро қил, тўғри йўлдан чиқиб кетма, чунки шу вазифада бўлишингни кўролмай ундан сени четлатишни истайдиганлар топилиб қолиши мумкин.

● Сен ақл-идрокингга мурожаат қилсанг, ўтиб кетган кунларинг қайтиб келиши мумкин эмаслиги ва улардан умид ғаиш лозимлигига иқрор бўласан.

● Шодлигинг, хушнафсликингга мағрур бўлиб, илм-маърифат ва никсаб даражаларни кўлга киритишдан узоқлашиб қолма!

● Ҳаёт кечиришда кишиларнинг бир-биридан фарқини ажратмоқчи бўлинса, ўз меҳнати билан топганига қаноат қилган инсон энг азиздир.

● Яхши ҳаёт кечиришни орзу қилган киши кўз олдида гавдаланиб турган қийинчилик ва кўп машаққатларга дучор этади. Бундан оғир ҳодисаларни енгиб ўтиши шарт.

● Инсонлар ишини бир-бирига таққослаганг, кишини энг хорликка мубтало қилдиган тамагирликдир.



«Велосипедимиз тузалса йўлга чиқамиз»

Н. Сурников фотоэтюди.

• *Шингил маслаҳатлар*

Эсингизда бўлсин...

● Тилла сувн юритилган рамкадаги доғларни осон кетказиш усули бор. Бунинг учун айниятилган спирт [денатурат]га бир парча пиёз ташлаб қўйинг-да, у билан латтани ҳўллаб рамканн артсангиз, доғи тезда кетади.

● Тикадиган буюмингиз қалин бўлса, игнага совун суртинг, шунда тикиш осон бўлади.

● Утмаслашиб қолган қайчида уч-тўрт марта чарм қирқсангиз у яна ўткир бўладн.

● Чўян идишлар чирк босиб қолмаслиги учун уларни кул, ғишт, тош кукуни билан ювиб тозалаб турши керак.

● Қора рангдаги тўрни неча соат сирка қўшилган сувда ивитиб, сўнг чайиб олсангиз боягидай яп-янги бўлади.

● Пиёла, чойнак ва пикопчаларни чой содаси ёки намакоб билан ювсангиз яхши тозаланади ва ярқирайди.

● Қандилларни содали ва совунли сувда ювиш керак. Агар эски доғларн кетмаса, уни денатурат ёки одекалон билан тозаласа бўладн.

АКС САДО

МУНОЗАРАНИ ГАЗЕТХОНЛАР ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

«Онангни нега ранжитдинг, Аҳмаджон?»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 25 апрель сонида «Онангни нега ранжитдинг, Аҳмаджон?» сарлавҳали мақола босилган эди. Мақола кўп сонли оқшомхонларни ҳаяжонга солди. Шу ҳақда редакциямиз қўплаб мактублар олди. Қуйида шу хатлардан намуналар ўқийсиз.

Мен «Онангни нега ранжитдинг, Аҳмаджон!» мақоласини ўқиб онамзорга жуда ачиндим. Аҳмаджон ёмон болаларга қўшилиб, эгри йўлга кирнб кетади, у узоқ вақт бу «сир»ни онасидан, ўқитувчисидан яшириб юради. Бу — нотўғри эди. Ниҳоят Аҳмаджоннинг «кўзи мошдек очилади», энди кеч бўлган эди, она муҳаббати топталган эди. Боланн доим назорат қилиш, уни хато йўлдан қайтариш керак эди. Фарзанд учун она муҳаббати — дунёда энг зўр муҳаббатдир, уни ҳар бир фарзанд қадрлаши, эъзозлаши керак.

И. МЎМИНОВ,
Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

●

Маҳалламизда Турсунали деган бир йигитни биламан. У ҳам отасиз, Аҳмаджонга ўхшаб фақат онасининг тарбиясида ўсдн. Мактабнн битирнб, тракторчилар тайёрлаш курсида ўқиди, касб эгалладн, ишга кирди, онлали, бола-чақали бўлди. Ҳозир у фаровон турмуш қуриб, ҳаёт нашъасинн сурмоқда. Безориларга қўшилиб эгри йўлга кирнб кетган, энднликда тавбасига таянган Аҳмаджонга шундай дейман:

— Инсоннинг бахтн ўз қўлида, тўғри йўлдан борган одам бахт калитини меҳнатдан топади.

Ҳ. ЮНУСОВ,
«Ташметрополитен» ишчиси.

●

Аҳмаджон ҳаётда хато қилиб, ўз жазосини олди. Шу билан бирга, инсон учун онадан ажралишдек оғир жудолик бўлмайди. Аҳмаджон ўз қилмиши билан онасини оловсиз-ўтсиз куйдирди. Ана энди унинг ақлн-ҳуши жойига келиб, тавба қиляпти. Биз ишонамизки, Аҳмаджон кеч бўлсада, ўзнинг тўғри ва пок ҳаёт йўлинн топиб олади.

О. МИРЗАХЎЖАЕВ,
Глизр номли республика музика мактаб-интернатининг математика ўқитувчиси, меҳнат ветерани, СССР халқ маорифи аълочиси.

●

Она— улуғ, мўътабар, бебаҳо зот, улар бор эканки, биз яралганмиз. Ота-онанинг қадрини, уларнинг бола тарбиясидаги меҳнатини билмаган фарзанд кўрнамак, оқпадар бўлади. Аҳмаджон бебош муттаҳамларга қўшилиб, хато қилиб ёмон йўлга кирнб қолган. Лекин йигитча бошга тушган бу оғир синов унга бир умр сабоқ бўлади, деб айтиш мумкин.

А. ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси кадрлар бўлими бошлиғи ёрдамчиси, милиция катта лейтенанти.

●

Очиқ гап, маҳалла, массив ва ЖЭКларда баъзан безорн ёшлар учраб турадн. «Қозонга яқинлашсанг — қораси юқар» деганларидек, бундай хулқи совуқ бебошларга қўшилган болалар «издан» чиқади, ҳаётда қаттиқ янглишади. Аҳмаджон ҳам шундай хато қилди, лекин вақтида тавбасига таянди, эс-ҳушнни йиғиб олди. Аҳмаджон хулқи совуқ безориларга қарши курашади, касб-ҳунар эгаллайди, яхши меҳнат қилиб шарнн ҳаёт кечиради, деб ишонч билдирамиз. Мен мактабда 7 ва 8-синфларда бу мақоланн ўқувчиларга ўқиб бериб, ёшларни ибрат йўлига, хушёрликка даъват этдим.

А. АҲМЕДОВ,
84-мактабнинг техник меҳнат таълими ўқитувчиси.

●

Онамизнн, ўқитувчиларимизнн севамиз, улардан ҳеч нарсанн сир сақламаймиз. Аҳмаджон ҳам ёмон болаларга дуч келганда онасига ёки ўқитувчисига айтганда, ўзн хато қилмаган, безорн болаларни эса, тўғри йўлга солган бўларди.

Сардор, Баҳодир ва Одил ИСМОИЛОВлар,
243-мактаб ўқувчилари.

РЕДАКЦИЯДАН: «Онангни нега ранжитдинг, Аҳмаджон?» мақоласи юзасидан келаётган хатларда ёшлар тарбнясн, ахлоқ-одоби, уларни ватанпарвар, меҳнатсевар, яхши фазилатли, коммунистик жамиятимизга муносиб кишилар қилиб етказиш ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар айтилган. Оқшомхонлардан Ш. Талабоев, Т. Иброҳимов, М. Шосанлов, М. Орифжонов, А. Ғафуров, С. Қодиров, З. Тўқаева, А. Абдураҳимов, Ш. Исаева, Ҳ. Эгамбердиев ва бошқа кўплаб хат йўллаган ўртоқларга редакция самимий ташаккур билдиради.

• *Фарзандларингиз учун*

ПОЙЛАБ ТУРСИН

– Яқин қопти-ку,
Сиз тўғилган кун.
Совға олмоққа
Пул сўрар Гулсин.
– Нарса керакмас,
Ешсан, йўқ гинам.
Яхши ўқисанг,
Совғанг шу болам.
— Олгунимча беш, —
Шошиб дер Гулсин,—
Пойлаб турсин-да
Сиз тўғилган кун.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

– Сиз шуни қуюқ қилиб деяпсизми! — қичқирди хўранда.

– Албатта, — деди официант, агар у қуюқ бўлмаганида, сизни шунчалар ҳаяжонлантириб юбормасди.

* * *

Меэлман хизмат юзасидан Дрезденга борган эди. Бир станциядан ўтирган купега ўрт боласини етаклаб олган бир аёл кирнб келди.

– Оббо, шунисн етмай турганди,— деди Меэлман аччиқланиб.

— Эҳтимол сиз кейинги станцнягача бир амаллаб чидарсиз, — деб заҳарханда қилди аёл.

— Нима, сизлар кейинги станцияда тушасизларми!

— Йўқ, биз Дрезденгача борамиз, аммо сиз кейинги станцияда бошқа купега ўтиб кетарсиз, деб ўйлайман.

Й. ПАРДАЕВ
таржимаси.

• Табиат ва инсон

КЕКСА ЧИНОР

Одамлар Тожикистондаги Комсомолобод посёлкаси узра қад кўтарган кўҳна чинорни сақлаб қола билдилар.

Дарахтни даволаш ҳамлакам гап эмас. Унинг бўйи неча ўн метрга етганлигини ҳисобга олсак иш янада мушкуллашади. 12 қаватли уй баландлигича ўсган айни шундай чинорга ёрдам керак бўлиб қолди. Дарахт қурий бошлади. Маълум бўлишича, дарахт танасида ҳосил бўлган ковак унинг касалланишига олиб келган. Шунда арқон ва нарвонлар ишга солинди. Посёлка аҳолиси ковакка бактерияни қирадиган лой тўлдирди.

Тожикистонда чинорнинг ҳурмати катта. Ёз ойларн дарахт сояси салқин бўлади, унинг шохшаббалари жануб шамолининг иссиқ нафасини қайтаради. Ер бағрига чуқур кетадиган чинор илдизлари эса тупроқ эррозиясига қарши курашда танҳо воситадир. Шунинг учун ҳам ҳар йили тоғли ўлка ўрмончилигида 4 минг гектар ерга шу дарахт кўчатн ўтқазилмоқда.

Чинор СССРнинг қизил китобига ёзилган. Тожикистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг олимлари республикадаги жамики шундай улкан дарахтларнн ҳисобга олиб қўйдилар. Булар орасида Ҳисор тоғнинг жанубий ён бағрида ўсиб турган энг катта чинор бор. Бу чинорнинг танаси диаметри саккиз метрдан ошади.

(ТАСС).

ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА

ОЛИМЛАР ЁРДАМИДА

Украина ССР Фанлар академиясининг Е. О. Патон номидаги электрпайвандлаш институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган янги техникадан фойдаланилмоқда. Қизилқумга ҳужум бошланган дастлабки йиллар асосий юк ташувчи транспорт воситаларидан бири 25 тоннали «Белаз» бўлса ҳозир унинг ўрнига 75 тонна юк ўтадиган машиналар келди, карьерларда эса бирданига 110 тонна юк ташиб оладиган машиналар синовдан ўтмоқда.

Ёзда 50 градусгача иссиқдан қишда эса 30 градусдан ҳам ортиқ совуқдан машиналарнинг агрегат ва узелларн тез «эскирадн», механизмлар ресурси ишлаб бўлгач, ишдан чиқади.

Лекин кончилар бу деталларни ташлаб юборишга ошиқмаяптилар. Улар Е. О. Патон номидаги электрпайвандлаш институтн билан ижодий ҳамдўстлик қилиш тўғрисида шартнома тузднлар. Украиналик олимлар корхонада турли узелларни газотермик пишиқтириш ва тиклаш участкасини очишда ёрдам бердилар. Уни институтда ишлаб чиқилган установкалар билан таъминладилар.

(ЎзТАГ).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

18 МАЙ, 1984 й.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:

ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

Солистлар: ҚУЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, ЎКТАМ АҲМЕДОВ, МАВЛУДА ОЙНАҚУЛОВА, ФИРУЗА СОЛИҲОВА, МАЪМУРЖОН МАДВАЛИЕВ, ФИРУЗА МИРҲАМИДОВА, НУРИЛЛА ЖУМЕЗОВ, РАЪНО ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Шоира ЭРМАТОВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — ОРТИҚ ОТАЖОНОВ.

БАЛЕТМЕЙСТЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати — РАВШАНОЙ ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — АСҚАРАЛИ ХИДИРОВ.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

19 МАЙ СОАТ 17.00 ДА

СССР Биринчилиги учун

«ПАХТАКОР» (Тошкент) —«ҚАЙРАТ (Олмаота) КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кўп сонли меҳнаткашларнинг талабига мувофиқ «ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилди.

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ РУС ТИЛИ ЧУҚУР ЎРГАТИЛАДИГАН

98-ШАҲАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ 1—10 СИНФЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар кунига тўрт маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминланадилар.

ҲУЖЖАТЛАР 1984 ЙИЛ 25 АВГУСТГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Архангельский кўчаси, 27-уй (8, 11-трамвайларнинг «Кўкча-дарвоза» бекати, 27-автобуснинг «Интернат» бекати). Телефон 42-5-34, 42-50-61.

«ТАШГОРШВЕЙБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ

ҚУЙИДАГИ АТЕЛЬЕЛАРИ

АҲОЛИДАН

ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАРНИНГ КИЙИМЛАРИНИ ТИКИБ БЕРИШ УЧУН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

30— Чилонзор массиви, 18-квартал, 1-уй. Телефон 76-47-30—хотин-қизларнинг пальтолари, эркакларнинг костюмлари, шимларини тикиб беради;

24—«Чилонзор» савдо маркази— эркакларнинг кўйлаклари, шимларини тикиб беради;

4— Железняк кўчаси, 2-уй. Телефон 33-48-41—аёлларнинг пальтолари, ҳар хил кўйлаклар ва шимлар тикиб беради;

5— Космонавтлар проспекти, 35-«а» уй. Телефон 56-17-50—шимлар, эркакларнинг костюмлари, аёлларнинг пальтоларини тикиб беради ва табиий мўйна буюмларини ремонт қилади;

1— Киров кўчаси, 21-уй. Телефон 33-05-65 —аёлларнинг пальтолари, эркакларнинг костюмлари ва кўйлакларини тикиб беради;

40— Октябрь 40 йиллиги кўчаси, 3-уй;

41—Строительная кўчаси, 29-уй;

47—Қуйбишев шоссеси, 581-уй;

27— Лисунов кўчаси, 17-уй. Телефон 96-23-40.

ЮҚОРИДАГИ АТЕЛЬЕЛАР ШИМЛАР, АЁЛЛАРНИНГ КЎЙЛАКЛАРИ, ПАЛЬТОЛАРИНИ ТИКИБ БЕРИШ УЧУН ҲАМДА ҲАР ХИЛ БУЮМЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

18-ателье — Мўминов кўчаси, 12-уй. Телефон 62-39-22;

26-ателье— Сергели массиви, Восточная кўчаси, 6-уй— аёллар кўйлакларини ва шимлар тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади;

22—Спутник массиви, —Марказ-3 квартали, 5-уй. Телефон 53-87-71 —аёлларнинг пальтоларини тикиб беради ва кийимларни ремонт қилади;

25— Ш. Руставели кўчаси, Фрунзе бозори, ҳар хил буюмларни ремонтга қабул қилади.

«ШОДЛИК» ателъеси — Б. Хмельницкий кўчаси, 24-уй. Телефон 53-65-88—аёллар пальтоси, кўйлаклар, шимлар тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади;

«ГУЛНОЗ» ателъеси — Бешқайрағоч массиви, 3. Саид кўчаси, 237-«а» уй;

«БАҲОР» ателъеси— Марказ-27, 5-уй. Телефон 42-19-57; миллий кийимлар тикиб беради;

9— Ҳ. Олимжон кўчаси, 11-«а» уй (2-қават)— эркаклар шимлари ва костюмлари, аёллар пальтолари ва кўйлакларини тикиб беради;

37—Ш. Руставели кўчаси, 137-уй. Телефон 53-18-73—аёлларнинг корсетли кийимлари, пиджаклар ва шимларни тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ПАЛЬТОЛАРИНИ ТИКИБ БЕРИШ МУДДАТИ— 20—25 КУН, ЭРКАКЛАР ПИДЖАКЛАРИ ВА КОСТЮМЛАРИНИ ТИКИБ БЕРИШ МУДДАТИ — 15—20 КУН, ШИМЛАРНИ ТИКИБ БЕРИШ МУДДАТИ — 3—7 КУН, КЎЙЛАКЛАРНИ ТИКИБ БЕРИШ МУДДАТИ —5—10 КУН, ЭРКАКЛАР КЎЙЛАГИНИ ТИКИБ БЕРИШ МУДДАТИ 3—5 КУН.

АТЕЛЬЕЛАРДА ҲАР ХИЛ РАНГДАГИ ЧИТ, САТИН, ЗИҒИР ТОЛАСИДАН ТЎҚИЛГАН ГАЗЛАМА, ИП-ГАЗЛАМА МАВЖУД.

ҚАВИЛГАН ҚЎРПА ВА ҚЎРПАЧАЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АТЕЛЬЕЛАРДА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

«СИЛУЭТ» —Новий путь кўчаси, 81-уй;

52-ателье— 1/4 Қорақамиш массиви, 35-уй.

ҚУЙИДАГИ АТЕЛЬЕЛАРДА ҲАР ХИЛ ГУЛ БОСИШ ИШЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

22— Спутник массиви, Марказ-3, 5-уй. Телефон 53-87-71;

27—Лисунов кўчаси, 17-уй. Телефон 96-23-40;

«ЎЗБЕКИСТОН» ателъеси— Полторацкий кўчаси, 29-уй. Телефон 55-74-58;

«ШОДЛИК» ателъеси— Б. Хмельницкий кўчаси, 24-уй. Телефон 53-65-88;

ҚУЙИДАГИ АТЕЛЬЕЛАРДА ЭРКАКЛАР КЎЙЛАГИНИ ТИКИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

24— Чилонзор» савдо маркази;

27— Лисунов кўчаси, 17-уй. Телефон 96-23-40;

«ЧАРОДЕЙКА» ателъеси —2-Қўйлиқ массиви, Ким Хван кўчаси, 33-уй. Телефон 90-07-67;

«ШОДЛИК» ателъеси— Б. Хмельницкий кўчаси, 24-уй. Телефон 53-65-88;

«ЎЗБЕКИСТОН» ателъеси— Полторацкий кўчаси, 29-уй. Телефон 55-74-58;

5— Космонавтлар проспекти, 30-«а» уй. Телефон 56-17-50.

БУЮРТМАЛАР 3—5 КУН ИЧИДА БАЖАРИЛАДИ.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида абонементлар бериладиган кунларда Жэк Лондоннинг «МАРТИН ИДЕН» китобига абонементлар тарқатилади.

18 ВА 25 МАЙДА ҲАР БИР ҚАБУЛ ПУНКТИДА 50 ТАДАН АБОНЕМЕНТ БЕРИЛАДИ.

19, 20, 26, 27 МАЙДА ҲАР БИР ҚАБУЛ ПУНКТИДА 200 ТАДАН АБОНЕМЕНТ БЕРИЛАДИ.

Бундан ташқари, барча қабул пунктларида Э. Золянинг «Жерминаль» ва Жованьолининг «Спартак» китобларига абонементлар бор.

Фақат бир йўла камида 15 килограмм макулатура ёки 3 килограмм иккиламчи тўқимачилик материаллари (жун ва ип газламали латта) топширилганидан кейин абонементлар берилади.

Абонементда кўрсатилган китобларни 15 килограмм макулатура ёки 3 килограмм иккиламчи тўқимачилик материаллари топширган кишилар олиш ҳуқуқига эгадирлар ва уларга ҳар бир муаллифнинг китобига фақат биттадан абонемент берилади.

Ўзбекистон ССР Таъминот Давлат комитети ва Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети 1984 йил 13 февралда Ж. Лондоннинг «Мартин Иден», Э. Золянинг «Жерминаль» ва Жованьолининг «Спартак» китобларига абонементларни аҳолига сотиш тартибини тасдиқлаган.

Абонементлар жума куни соат 18.00 дан бошлаб, шанба ва якшанба кунлари соат 9.00 дан бошлаб сотилади.

Қолган кунларда эса абонементларнинг тўла маркалар комплекти туркумини тўлатиш учун қабул қилинади ва макулатура ҳамда иккиламчи хом ашё чекланмаган миқдорда қўйидаги баҳоларга биноан қабул қилинади: 52-01 иккиламчи хом ашёлар сотиб олиш баҳолар прейскурантига биноан топширилган 1 килограмм макулатура учун 2 тийин, топширилган жун, жун аралашган латта учун 16 тийин ва топширилган 1 килограмм ип-газлама, каноп латтаси ва қоплар учун 6 тийин ҳақ тўланади.

Қабул пунктларининг ишлаш тартиби: ҳар куни жумадан ташқари — соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус — 13.00 дан 14.00 гача, жумада 11.00 дан 20. гача. Танаффус —14.00 дан 15.00 гача.

Душанба — дам олиш куни.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

МАКУЛАТУРАЛАР ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— макулатура: фақат турларга алоҳида ажратилган, пачкаларга боғланган ҳолда газета, китоб-журнал, маиший картон ва ўраш қоғози;

— иккиламчи тўқимачилик материаллари: сукноли камвол газламалардан тайёрланган буюмларга тааллуқли бўлган жун ва жун аралашган, трикотаж ва ногазлама материаллар, нозик, чала нозик ва дағал жундан ишланган трикожаж ва ногазлама материаллар, шунингдек, бошқа толалар билан аралаштириб тўқилган жун латталар;

— пахта ва бошқа толалар билан аралаштириб ишлаб чиқарилган ип-газламалар, ногазламалар ва газламали трикотаж буюмлари аралаштирилган ип-газлама, каноп, каноп аралашган латталар;

— каноп ва бошқа толалар билан аралаштириб ишланган газламалар ва ногазлама каноп ва каноп аралаштирилган буюм латталари;

— гражданларнинг қаерда туришидан қатъий назар, жонли навбат билан чодир газламалари ва брезентлардан ишланган буюмлар, майда қоплар.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Абонементлар олиш учун макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини қабул пунктларига фаол топшириш адабиётларни китоб савдоси тармоқларига тезроқ келишига муносиб хизмат қилади.

Абонементларни олиш масалалари бўйича маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат этилсин: 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ЭРКАТОЙИНГИЗ БАРДАМ БЎЛИШИ УЧУН



7—9 ОЙЛИК ЁШДАГИ МУРҒАК ЭРКАТОЙИНГИЗНИ ТЎЙИНТИРИБ ОВҚАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА КОНСЕРВАЛАНГАН ГЎШТЛИ ПЮРЕНИ ОВҚАТ РАЦИОНИГА ҚЎШИНГ.

Пюре таркибига қуйидагилар киради: мол гўшти, ёғ, крахмал, зираворлар.

Металл банкачага 100 грамм пюре солинган бўлиб, у бир марта овқатлантиришга мўлжалланганлиги учун ҳам қулайдир.

Пюрени болага едириш олдидан уни иситиш лозим.

«УЗМЯСОМОЛТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНТОРАСИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА ГЎШТЛИ ПЮРЕНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗМЯСОМОЛТОРГ» (телефон 91-20-84).



«ЮБИЛЕЙ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЧОРЛАЙДИ

БУ ЕРДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ.

МАКТАБГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН 17 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 5—6 ой.

Ўқиш пайтида ўқувчиларга ойига 52—63 сўм миқдорида стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: маълумоти тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, паспорт, агарда бор бўлса меҳнат дафтарчаси, 3 дона фотосурат (3х4 см.).

Маълумотлар олиш юзасидан Сергели райпишчеторгининг кадрлар бўлимига, қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Спутник шаҳарчаси, 7-квартал, 13-уй (58-автобуснинг «13-шаҳар касалхонаси» бекати).

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 58-36-29).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

ЖУМА

18 МАЙ

● МТ I

17.35 —17.50 Халқ куйлари.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 Литва ССР бадиий коллективларининг концерти.
20.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм 2-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 «Цирк чироқлари порлаганда». Телевизион бадиий фильм.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 Тинчлик велосипед пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.
19.30 —20.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.45 Марказий телевидение совғини учун мўлжалга олиш спорти бўйича XV анъанавий мусобақалар.
21.20 «Тундрада». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР—Руминия терма командалари.
22.25 Останкино концерт студиясида ёзувчи Д. Гранин билан учрашув.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бўзсувнинг куздаги жозибаси». Ҳужжатли фильм премьераси («Узбектелефильм»).
18.20 «Ижод саҳифалари». Е. Ҳаимов.
19.00 КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Тарбияга комплекс ёндошайлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
20.15 «Баҳорги кинокузатувлар». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ҳамза номли Тошкент мусиқа билим юртининг скрипкачилар ансамбли ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Телевидение экранида биринчи марта. «Оға-инилар». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 —16.30 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Ўқитувчилар учун консультация.
19.00 В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга. «Биз — пионерлармиз». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Халқаро музейлар кунига бағишланган кинопрограмма.
21.30 МТ II

ШАНБА

19 МАЙ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Спортлото»нинг 20-тиражи.
9.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
10.20 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 2-фильмнинг 2-серияси.
11.30 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
12.00 «Халқаро музейлар куни».
12.40 «Улкан тақдир эгалари» туркумидан. Телефильм премьераси.
13.10 «Раймонданинг ранг-баранг образлари». Фильм-концерт премьераси.
13.40 «Ўсимликлар оламн».
14.25 «Оила ва мактаб». «Тележурнал.
14.55 Пионерларнинг байрам концерти.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.50 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
17.20 «Мишка, кичкинтой ва бошқалар...» Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
17.50 «Ҳамдўстлик» Тележурнал.
18.20 Халқ хорларининг иккинчи Бутунроссия кўриги.
19.05 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.55 «Майли, у сўзга чиқсин». Телеспектакль премьераси. Ж. Лондон асарлари мотивлари асосида.
21.30 «Время».
22.05 Композитор Э. Колмановский асарларидан концерт.
23.30 Тинчлик велосипед пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Мактаб қўнғироғидан сўнг». Ҳужжатли фильм.
9.40 «Тонгги почта».
10.10 ВОРОНЕЖ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.35 «Нима? Қаерда? Қачон?»
13.05 Эркин кураш бўйича СССР чемпионати.
13.35 «Кулги кечаси». Останкино концерт студиясидан олиб кўрсатилади.
15.10 «Стадион ҳамма учун».
15.40 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти, Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан олиб кўрсатилади.
16.40 «Ҳовли тўйи». «Қишлоқ қиссалари» туркумидан телефильм.
17.40 «Транзит». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-сериялар.
19.45 «Музикали киоск».
20.15 —20.30 «Халқаро обзор».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат»—«Днепр». 2-тайм.
22.45 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Испания—СССР терма командалари.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ҳар доим бўлсин қуёш!» Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»).
11.10 «ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига, «Ҳужжатли кино экрани».
11.55 «Шахмат мактаби».
12.25 Ўзбекистон телевиденнеси чолғу ансамблининг концерти.
13.10 Телевидение экранида биринчи марта. «Деҳқон ўғли». Бадиий фильм.
14.30 Пионерларнинг байрам концерти.
16.25 Кўрсатувлар программаси.
16.30 Болалар учун. «Уйлаб топ». (рус.).
17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Қайрат» (Олмаота). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм.
18.50 «Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюралар театри.
20.50 «Май базми». Байрам музикали программаси (1 Майдаги кўрсатув такрорланади).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Гўза парваришига — аъло сифат».
22.25 «Май базми», Байрам музикали программасининг давоми. Кўрсатув тугагач—Кўрсатувлар программаси.

● 17.55 — 21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА —18/V да ... та, 19/V да Тўмарис ... ра).

ҲАМЗА НОМЛИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... МА ТЕАТРИДА — ... Келинлар кўзголони, ... Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ... ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ... РИДА —19/V да Тоҳир ... ошиқ.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ... КИДА —«Сувда цирк» ... цирки артистларининг ... лари (19.30).

кино

18 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«АЙБДОР ДЕБ ТОПМАСИН» — **Искра** (жуфт ... ларда, телефон 39-14-58), ... обод (ток соатларда, ... 96-36-21)..

«ОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, ... фон 77-06-20), **Лисунов** ... (ток соатларда, телефон ... 02).

«БЎРИ УЯСИ» — ... (11, 13.30, 16, 18.30, ... телефон 46-70-69), **Фестиваль** ... (ёзги, 21.40, телефон ... 02), **Қозогистон** (11, 14, ... 20.00; 12, 15, 18, 21.00, ... фон 35-24-92), **Санъат** ... (11, 13.30, 16, 18.30, ... телефон 44-21-74), **Дружба** (11, 14, 17, 20.00; ... 18, 21.00, телефон 66-15-75), **Москва** (11, 13.30, 16, 18, ... 21.00, телефон 33-05-01).

«ДОВОНДА ОТИЛМАС» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, ... телефон 58-36-06), К. Ёрматов ... **номли** (жуфт ва тоқ соатларда, ... телефон 24-22-66).

«АВИАЦИЯ ҲАЛҚ ... ХАЗИНАСИГА ТОМОН» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт ... атларда, телефон 33-41-..., **Ўзбекистон ССР** 25 йиллиги ... **номли** (ток соатларда, телефон 53-65-87).

19, 20 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«АЙБДОР ДЕБ ТОПМАСИН» — **Искра** (жуфт ... ларда, телефон 39-14-58), ... обод (ток соатларда, телефон 96-36-21)..

«ОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Чайка** (жуфт соатларда, ... фон 77-06-20), **Лисунов** ... (ток соатларда, телефон ... 02).

«БЎРИ УЯСИ» — ... (11, 13.30, 16, 18.30, ... телефон 46-70-69), **Фестиваль** ... (ёзги, 21.40, телефон ... 02), **Қозогистон** (11, 14, ... 20.00; 12, 15, 18, 21.00, ... фон 35-24-92), **Санъат** ... (11, 13.30, 16, 18.30, ... телефон 44-21-74), **Дружба** (11, 14, 17, 20.00; ... 18, 21.00, телефон 66-15-75), **Москва** (11, 13.30, 16, 18, ... 21.00, телефон 33-05-01).

«ДОВОНДА ОТИЛМАС» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, ... телефон 58-36-06), К. Ёрматов ... **номли** (жуфт ва тоқ соатларда, ... телефон 24-22-66).

«АВИАЦИЯ ҲАЛҚ ... ХАЗИНАСИ ТОМОН» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт ... атларда, телефон 33-41-..., **Ўзбекистон ССР** 25 йиллиги ... **номли** (ток соатларда, телефон 53-65-87).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

БОТАНИКА БОҒИ

Дарахт ўсимликлари ... лиматизацияси ва интродукцияси лабораториясига ... **илмий ходими** (ботаника ... тисоси бўйича)

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — ... майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги ... ресга юборилсин: 700... Тошкент шаҳри, Ж. Обид ... кўчаси, 272-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ... НАСОЛЛИК САНОАТ ... ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ... МИЯТИ РЕСПУБЛИКА ... ПРАВЛЕНИЕСИ,

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА ... УЙИ ВА ҚОПЛАМАЛАР ... СЕКЦИЯСИ

«ҚОПЛАМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ, ЯНГИ ДЕТАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ВА ИШДАН ЧИҚҚАН ДЕТАЛЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА УЛАРДАН ҚЎЛЛАШ» мавзусида

СЕМИНАР

УТКАЗАДИ

Саноат корхоналари, ... қиқот лабораторияларининг ... инженер-техник ходимлари ... ҳамда олий техника ... юртларининг ўқитувчилари ... таклиф қилинади.

Семинар 18 май ... 10.00 бошланади.

Адрес: Тошкент ... Ленинград кўчаси, ... Тошкент техника уйи.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ... ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

18 МАЙ, 1984 й. Р—12258. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11